

Ijtimoiy-tarixiy, ilmiy va ommabop jurnal



SOHIBQIRON YULDUZI



Соҳибқирон юлдузи

№3 (49) 2022 йил

*“Bizkim-mulki Turon, amiri Turkistonmiz, bizkim
- millatlarning eng qadimi va eng ulugʻi Turkning
bosh boʻgʻinimiz!”*

Sohibqiron Amir Temur



SOHIBQIRON YULDUZI

ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

АЪЗОЛАРИ:

академик Акмал Саидов
академик Анатолий Сагдуллаев
академик Дилором Юсупова
Сирожиддин Саййид
проф. Абдурахим Эркаев
проф. Қаҳрамон Ражабов
проф. Юлдуз Эргашева
проф. Баҳодир Эшов
филол.ф.д. Нафас Шодмонов
Тўлқин Ҳайит
т.ф.д. Г.Мўминова
проф. Шокир Гаффоров
проф. Ахмад Чориев
филол.ф.д. Хўжамурод Ҳабборов
филол.ф.д. Дамин Тўраев
т.ф.н.доц. Акрам Ҳасанов
т.ф.н.доц. Фахриддин Раҳмонов

Бош муҳаррир:

Очил Бўриев

Нашр учун масъуллар:

Равшан Тўхтамишев

Илҳом Тогаев

Саҳифаловчи:

Баҳодир Мусаев

МУАССИС:

SOHIBQIRON SHULASI M.CH.J.

Қашқадарё вилоят матбуот ва ахборот
бошқармасида 2012 йил 12 мартда
14-076 рақами билан рўйхатга олинган.
Журнал йилда 4 мартаба чоп этилади.
Журналдан қўчирма олинганда манба
қайд этилиши шарт.

Манзилимиз:

Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси,
2-уй. Телефон: 221-13-78. 91.466-80-32
Теришга 25.07.2022 йилда берилди.
Босишга 12.08.2022 йилда рухсат
этилди. 31.08.2022 йилда босилди.
Бичими 70x100 1/16. 8,0 босма табақ.
Адади 100 нусха. Буюртма № 511
Журнал «Photo Express» ишлаб чиқариш
корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Қарши шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Электрон манзилимиз:

sohibqiron_jurnali@mail.ru

2022 йил № 3 (49)



2022 йил «Инсон қадрини
улуглаш ва фаол маҳалла
йили»

Журнал таниқли шоир, маънавият
жонкуяри (марҳум) Исмоил Тўхтамишев
ташаббуси билан ташкил этилган.
2010 йилдан чоп этилади.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация
Комиссияси раёсатининг 2018 йил
29 декабрдаги 260/7-сонли қарори билан
«Тарих» фанлари бўйича илмий журналлар
рўйхатига киритилган.



MUNDARIJA

ТАРИХШУНОСЛИК

Хўжамурод ЖАББОРОВ, ETNOLOGIYA TERMINLARI
JAMLANGAN QOMUSIY LUG'ATL.....6

ТАРИХШУНОСЛИК

Ғомиляжон СУЛТОНОВ, AMIR TEMURNING SIYOSIY, HUQUQIY
VA MA'NAVIY QARASHLARINING MILLIY O'ZLIKNI
ANGLASHDAGI AHAMIYATI.....15

Рамиз ЗОҲИРОВ, AMIR TEMUR DAVRIDA OILAGA BO'LGAN
E'TIBOR.....21

Сардор КЕНЖАЕВ, AMIR TEMURNING XITOY
(MIN DAVLATI) HARBIY YURISHIGA TAYYORGARLIK
JARAYONLARI VA UNI KELITIRIB CHIQARUVCHI OMILLAR....25

Махфуза МАМАТОВА, ЧАЙНЫЙ ПУТЬ В ЭПОХЕ АМИРА
ТИМУРА И ТИМУРИДОВ.....30

Лола САОДАТОВА, AMIR TEMUR VA TEMURIYLAR DAVRI
MA'NAVIY MEROSINING JAHON ILM-FANI RIVOJIDAGI34

ТАРИХШУНОСЛИК

Шодмон ҲАЙИТОВ, Аҳмаджон Аҳмадов, XX ASR BOSHLARIDAGI
AFG'ON MATBUOTI HAQIDA MA'LUMOT BERUVCHI BIR
TARIXIY MANBA XUSUSIDA.....37

Диларом ВАСИЕВА, MUSTAQILLIKNING ILK YILLARIDA
TA'LIM VA KADRLAR TAYYORLASH TIZIMIDA DAVLAT
SIYOSATI: MUAMMO VA YECHIMLAR.....40

Феруза МАЛЛАЕВА, MUSTAQILLIK YILLARIDA
MAMLAKATDA NEFT-GAZ SANOATINING ISLOH QILINISHI...48

Нурбек САТТОРОВ, QADIMGI TURONDA O'ZBEK
XALQINING SHAKLLANISHI HAQIDA QISQACHA SHARX.....53

Ойбек ЯРМАТОВ, TURKISTONDAGI HIND FUQAROLARI VA
MUSTAMLAKA MA'MURIYATI O'RTASIDAGI MUNOSABATLAR...58

Шохсанам СУЛАЙМОНОВА, SHAROF RASHIDOVNING
O'ZBEKISTONDAGI IJTIMOIIY-IQTISODIY O'ZGARISHLARDAGI
ROLI.....77

Отабек НОРМАТОВ, O'ZBEKISTONDA AMALGA
OSHIRILGAN MA'MURIY-HUDUDIIY ISLOHOTLAR NATIJASI..83



SHAROF RASHIDOVNING O'ZBEKISTONDAGI IJTIMOIIY-IJTISODIY O'ZGARISHLARDAGI ROLI

Шохсанам СУЛАЙМОНОВА,
Чирчиқ давлат педагогика университети.

Tayanch so'zlar: давлат арбоби, адиб, ёзувчи, бунёдкорлик, раҳбарлик, ирригасиё, аграр ўлка, мажбурий таълим, шарафли хизмат.

Шароф Рашидовнинг сиёсий фаолияти Иккинчи жаҳон уруши йилларида, у ярадор бўлиб урушдан қайтгандан сўнг бошланди. "Фронтидан қайтган Рашидов урушдан кейинги оғир даврда кенг дунёқараши, етук ақли, принципааллиги, ташкилотчилик иқтидори билан ажралиб турарди. Шунинг учун у ёшлигидан юқори лавозимларга муносиб қўрилиши тасодифий эмасди. Давлат арбоби даражасига эришиш унинг дил амри - журналистлик ва ёзувчилик меҳнати билан барабар давом этди [1]

Уруш қийинчиликларини бир оз унутган ва соғлиги анча тикланган Ш.Рашидов яна журналистика касбига қайтди. Уни Самарқанд область "Ленин йўли" газетасига муҳаррир этиб тайинлашди. Бу лавозимда Ш.Рашидов ўзи-нинг ташаббускорлик, жамоани бошқара олишлик, одамлар билан муносабат ўрнатиш маданияти каби ажойиб хислатларини намоён қилди. Яхши билим ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган Ш.Рашидов тезда Самарқанд область партия раҳбарларининг эътиборига тушди. Уруш пайтида бундай раҳбарлар-га партия ҳам ўта муҳтож эди. Шу сабабли 1944 йил июлда Ш.Рашидовни Ўзбекистон Коммунистик партияси Самарқанд область комитети секретари лавозимига ўтказишади. Унинг шахсий хислатларидан келиб чиқиб, ёш бўлса-да, унга энг мураккаб йўналиш - кадрларни танлаш ва улар билан ишлаш йўналиши топширилди. Шу даврда Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган Носир Маҳмудов Ш.Рашидовнинг моҳир сиёсатчи ва раҳбар бўлиб етишишида унга устозлик қилди.

Самарқанд область партия комитетининг секретари лавозимида фаолият юритаётган Шароф Рашидов фақат областда эмас, республикада олиб борилаётган катта қурилиш ишларида фаол иштирок этди. У Марказий Фарғона чўлларини ўзлаштиришда, Фарҳод ГЭСини қуришда иштирок этаётган самарқандликлар қаторида бўлди. Унинг фаол раҳбарлиги ва ишда жонқуярлиги Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбари Усмон Юсуповнинг эътиборини ўзига тортди. 1947 йили Шароф Рашидов Ўзбекистон Коммунистик партиясининг марказий органи "Қизил Ўзбекистон" (1964 йилдан "Совет Ўзбекистони") газетасига бош муҳаррир этиб тайинланди.

Шароф Рашидов 1949 йили Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг раиси этиб сайланди. Бу лавозим ёзувчиликда, журналистликда анча танилиб қолган Ш.Рашидовнинг фақат раҳбарлик эмас, ёзувчилик фаолияти учун ҳам жуда муҳим тажриба бўлди. 32 ёшли Ш.Рашидов бу лавозимда ўафур ўулом ва Ойбек сингари академик ёзувчиларга раҳбарлик қилди, таниқли ёзувчи Шук-руллонинг эслашича, муҳит анча мураккаб бўлган ёзувчилар уюшмасини маҳорат билан бошқара олди. "Ш.Рашидов журналист, публицист ва ёзувчи сифатида камол топар экан, айна пайтда сиёсатчи сифатида ҳам шаклланди. Шароф Рашидовнинг адабий фаолиятини унинг сиёсий фаолиятидан ажратиш фақат мушкул бўлмасдан, бунинг иложи ҳам йўқ. Уларнинг яхлитлиги Шароф Рашидов шахси билан боғлиқ, бу жиҳатлар унинг қон-қонига сингиб кетган эди".

1950 йил апрелда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида сўзга чиққан У.Юсупов Ш.Рашидовни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзоси этиб сайлашни таклиф қилди ва унинг номзодини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раислигига кўрсатди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг 21 августда бўлиб ўтган сессияси Шароф Рашидовни Олий Совет Президиумининг раиси лаво-зимига тасдиқлади. Шу кундан Ш.Рашидовнинг давлат раҳбари сифатидаги фаолияти бошланди. Ш.Рашидов ўттиз уч ёшда эди. Айтиш лозимки, собиқ иттифоқда ҳеч ким бу ёшда шундай масъулиятли лавозимга сайланмаган.

Ш.Рашидов 1956 йили А.Микоян билан бирга Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва Бирмада расмий сафарда бўлди. Шу йиллари Ўзбекистон ҳам кўплаб чет давлатлар учун ўз эшикларини очди. Ўзбекистонга Ҳиндистон, Хитой, Сурия, Индонезия, Миср, Голландия, Норвегия, АҚШ, Англия, Уругвай, Аргентина, ГДР, Чехословакия ва бошқа давлатлар делегациялари ташриф буюрди. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги бутун дунёга машҳур бўлиб борди.

Шу йиллари Ш.Рашидовнинг ташкилотчилик ва маърифатчилик фао-лияти иттифоқ миқёсида кўзга ташланади. У ёзувчи бўлгани учун Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг халқаро конференциясини чақириш ташаббускорларидан бири бўлди. Конференция Тошкент шаҳрида ўтказилди.

1950-йиллари таълим соҳасида ҳам муҳим қарорлар қабул қилинди. 1958 йили етти йиллик мажбурий таълим ўрнига ўн йиллик умумий мажбурий таълим жорий қилинди. 1959 йили 39% ишчилар ва 21% колхозчилар ўрта маълумотга эга эди. 1950 - 1960-йиллари таълим ҳам жадал ривожланди, мутахассислар сони ошди. Ўзбекистондаги 7044 та умумтаълим мактабларида 1399,9 минг болалар ўқирди. Мавжуд 31 та олий ва 85 та ўрта махсус ўқув юртларида 143,5 минг йигит ва қизлар таълим оларди. Республиканинг ҳар 10 минг аҳолисига 108 нафар талаба тўтри келарди (бу кўрсаткич шу даврда АҚШда - 92, Японияда - 58, Францияда - 39, Италияда - 31 кишини ташкил



қиларди). Ўзбекистонда ҳар тўрттадан бир киши қайсидир ўқув юртида таълим оларди, олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар сони 190 мингга яқин киши бўлиб, бу 1913 йили бутун чор Россиясидаги шундай мутахассислар сонидан анча кўп эди. Яъни 40 йилда Ўзбекистон Шарқнинг энг ўқимишли ўлкаларидан бирига айланди. Албатта бунга ўз даври учун илгор ва самарали ҳисобланган совет маориф тизими билан бирга ўзбек халқининг билим олишга, интилувчанликка йўналтирилган азалий анъаналари ҳам сабаб бўлди. Баъзи ҳолларда ҳозир совет таълим тизимига нисбатан писандсизлик билан қараш мавжуд бўлса-да, ҳатто баъзи ўарб мутахассисларининг ҳам тан олишича, энг яхши элитар таълим тизимини яратган ўарбдан фарқли равишда, СССРда ўз даври учун энг яхши оммавий таълим тизими яратилган эди. Бу таълим тизими ўз даври учун жуда самарали бўлиб, унда эришилган муваффақиятлар фақат ривожланаётган мамлакатларда эмас, ҳатто ўарбнинг ривож ланган мамлакатларида ҳам оммавий таълимнинг рағбатлантирилиши учун катта туртки бўлди.

1950-йиллари эришилган энг катта ютуқлардан яна бири аҳоли турмуш даражасининг кенг миқёсда ошиши бўлди. Бунга фақат маҳсулот ҳажми ва иш-лаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига эмас, аввало ижтимоий йўналтирилган иқтисодга ўтиш орқали эришилди. Амалда СССР тарихида биринчи марта оммавий уй-жой қурилиши бошланди. 1955 - 1964 йиллари шаҳарларнинг уй-жой фонди 80% га кўпайди. Масалан, Ўзбекистонда 1958 йили 2105 минг кв.м - 1956 йилдагига нисбатан уч мартадан кўпроқ уй-жой қурилди. Тошкентда жадал суръатлар билан йирик Чилонзор массиви бунёд этилди. Нукус, Чирчиқ, Навоий, Олмалиқ, Самарқанд, Фаргона, Ангрен ва бошқа шаҳарларда қулай ва шинам кўпқаватли уйлар пайдо бўлди. Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши учун 1958 йили 600 млн рубль маблағ сарфланди. Республика аҳолиси урушдан олдинги даврга нисбатан анча яхши еб-ичиб, кийина бошлади. Шу даврда республикада 10617 нафар врачлар ва 33 мингдан ошиқ ўрта медицина ходимлари аҳолига хизмат кўрсатди. Шифо-хоналарда ҳар 10 минг аҳолига 60 та ўрин тўғри келиб, бу кўрсаткич айрим ривожланган капиталистик мамлакатлардагидан юқори эди.

1959 йил февралда Ш.Рашидов Ўзбекистон адабиёти ва санъати учинчи декадасида иштирок этиш учун Москвага келди. Декаданинг очилиш маросимида Н.Хрушчёв, А.Микоян ва СССРнинг яна бир қатор юқори лавозимдаги раҳбарлари иштирок этди. 22 февраль куни эса Ш.Рашидов СССР Олий Совети Президиуми Раисининг муовини сифатида Н.Хрушчёвнинг Буюк Британия премьер-министри Гарольд Макмиллан билан учрашувида иштирок этди.

24 февралда Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасининг ёпилиш маросими бўлиб, унда ҳам Ш.Рашидов Н.Хрушчёв билан бирга иштирок этди. Шундан сўнг у Тошкентга қайтиб келди ва 1959 йил 15 мартда бўлиб

ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI пленуми 42 ёшли Шароф Рашидовни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб сайлади.

Ш.Рашидов ўз сиёсатига Ўзбекистон ва Марказ манфаатлари ўртасидаги мувозанатни асос қилиб олди. Шароф Рашидов даврида Ўзбекистон илм-фани, адабиёти, санъати, миллий маданияти ўзининг энг юксак намуналари билан жаҳон маданиятини бойитди. Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларининг қиёфаси ўзгарди, Тошкент Шарқнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланди, Навоий, Гулистон, Янгиер, Зарафшон, Учқудуқ каби янги шаҳарлар қад кўтарди, замонавий саноатнинг кўплаб соҳалари ҳам шу даврда шаклланди, қишлоқ хўжалигини механизациялашда катта ютуқларга эришилди, халқ фаровонлиги ошди.

Айнан шу даврда Ш.Рашидов СССРнинг бир қатор муҳим ташқи сиёсий тадбирларига ҳам жалб қилинди. Шулардан бири 1962 йили дунёни янги жаҳон уруши хавфига олиб келган СССР, Куба ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар билан боглиқ воқеа, "совуқ уруш"нинг энг кескин инқирозларидан бири – 1962 йилги Кариб инқироzi бўлди.

Совет раҳбарлари АҚШ Ф.Кастро режимини ағдаришга уринади, деган ишонч билан Кубага ядро каллакчаларига эга бўлган ўрта олисликка учувчи ракеталарни жойлаштиришни режалаштирди. Бу ҳақда Ф.Кастро билан музокаралар олиб бориш учун Н.Хрущёв Ш.Рашидовни жалб қилди. Россиялик таниқли жамоат арбоби В.Фалиннинг ёзишича, бу борада Н.С.Хрущёв деярли ҳеч ким билан маслаҳатлашмаган ҳолда Ш.Р.Рашидовни танлайди. Бу шу даврда Н.Хрущёвнинг Ш.Рашидовга ва у бошчилиқ қилган делегация ишининг муваффақиятига ишончидан далолат беради.

Делегацияга раҳбар этиб Ш.Рашидовнинг тайинланишига бир неча сабаблар бор эди. Биринчидан, Кубага янги тайинланган совет элчиси А.Алексеев маълумоти ва касби бўйича журналист бўлиб, мураккаб музокараларни олиб боришга ҳали тайёр эмасди. Иккинчидан, Марказий Американинг шу даврда модернизация йўлига кирган мамлакатлари, жумладан, модернизация-нинг худди СССРдаги сингари инқилобий йўлини танлаган Куба бу йўлда улкан ютуқларга эришган Ўзбекистонга катта қизиқиш ва хайрихоҳлик билан боқарди. Учинчидан, Ўрта Осиё республикаларида раҳбарлар ўртасида ўзаро муносабат анча мураккаб бўлиб, Н.Хрущёвнинг фикрича, бу ерда кўпчилик билан тил топишиб, турли қарашдаги раҳбарлар ўртасида мувозанат сақлаб келаётган Ш.Рашидов мураккаб дипломатик топшириқни ҳам бажаришга тайёр эди.

1953 – 1964 йиллари жамиятнинг маънавий ҳаётида сўзсиз жуда катта ўзгаришлар юз берди. Улар СССРдаги барча халқлар, жумладан, ўзбекларнинг маънавий янгиланишида, сталинизм асоратларидан халос бўлишида катта роль ўйнади. Бу давр фан ва маданиятнинг жадал ривожини билан ҳам характерланади. Ўрта ва олий таълимни ривожлантиришга катта эътибор



қаратилди. 1959 йили бутун халқ таълимини қайта қуриш бошланди. Шу йили Ўзбекистон раҳбари этиб сайланган Ш.Рашидов ҳам ўқитувчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласига катта сиёсий масала сифатида ёндошди. У 1960 йили ўз нутқида: "ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларга ўз педагогик маҳоратини оширишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш партия ташкилотларининг доимий эътиборида бўлмоғи лозим. Икки-уч йил ичида барча мактабларни махсус маълумотли ўқитувчилар билан таъминлаш лозим", - деган эди. Шу даврдан умумтаълим мактабларининг моддий-техник баъзасини мустаҳкамлаш, биноларни таъмирлаш ишлари бошланди.

Ўқувчиларнинг аниқ фанларни ўзлаштиришига талабнинг ошиши билан, шу йиллари республиканинг миллий мактабларида рус тилини ўқитиш ҳам такомиллашди. Айни пайтда, Ўзбекистон Компартияси МК ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1961 йил 8 июлдаги "Чет тилларини ўрганишни яхшилаш" тўғрисидаги қарори асосида айрим фанлар чет тилларида ўқити-ладиган ўнлаб мактаблар очилди, бир қатор мактабларда шарқ тиллари - араб, форс, ҳинду ва бошқаларни чуқур ўрганиш жорий этилди.

Жадал суръатлар билан ривожланаётган Ўзбекистон саноатини мутахассис ишчи кадрлар билан таъминлаш мақсадида Ш.Рашидов бошчилигидаги республика раҳбарияти касбий-техник таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Шу эътибор туфайли касбий-техник билим юртларининг кенг тармоғи яратилди. Агар 1960/61 ўқув йилида мавжуд 73 та касбий-техник билим юртларида 18,2 минг ўқувчи таълим олган бўлса, 1975 йилга келиб шундай билим юртлари сони 273 тага, уларда таълим олаётган ўқувчилар сони эса 117,4 минг кишига етди.

Илмий-техник тараққиёт ва ишлаб чиқаришнинг янги, илмталаб шакллари 1970-йиллардан бошлаб ишчи касбига ҳам юқори талабларни қўди. Шу талаблардан келиб чиқиб, бу йиллари касбий-техник таълимни янада ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Натижада, 1983 йили касбий-таълим билим юртлари сони 590 тага етиб, уларда 259,5 минг нафар ўқувчилар таълим оларди.

Бу тадбирлар саноатни малакали ишчи кадрлар билан таъминлаш имконини берди. 1983 йилга келиб Ўзбекистонда 3,5 млн малакали ишчилар бўлиб, уларнинг катта қисмини маҳаллий миллатлар вакиллари ташкил қиларди. Бу энг жадал ўсувчи қатлам: 1959 йилдан 1979 йилгача ишчиларнинг умумий сони 2,7 марта ўсгани ҳолда, миллий ишчи кадрлар сони 3,7 марта ўсди.

Шароф Рашидов ўз меҳнат фаолиятини 1935 йили мактабда ўқитувчиликдан бошлаган ва шу сабабли мактаб таълими муаммоларини жуда яхши биларди. Унинг ташаббуси билан одатдаги умумтаълим

мактаблари билан бир қаторда кўплаб махсус мактаблар ва мактаб-интернатлар очилди.

Шароф Рашидов республиканинг барча раҳбарлари орасида энг ўқимишли, маданиятли, ўзгалар фикрини ҳурмат қиладиган, кескин шароитлар-дан чиқиш йўлини топа оладиган ва доим келишувга тайёр бўлган уddaбурон сиёсатчи эди. Шу хислатларсиз Ш.Рашидов республика мустақил бўлмаган шароитда бунчалик узоқ вақт - чорак аср давомида ҳокимият тепасида турмаган бўларди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Халқимизнинг оташқалб фарзанди / Тўпловчилар: С.Рашидова, Г.Рашидова, Ш.Жабборов. - Т.: "Маънавият", 2017. Б. 25.
2. Рашидова Ш.Г., Комилов А.А. Шароф Рашидов: Инсон давр кўзгусида ва давр - инсон тақдирида. - Т.: "Тасвир", 2017. Б. 109.
3. Ш.Эргашев. Эрк истар кўнгил. Т.: "Ўзбекистон", 2017. Б. 59.
4. Очерки истории коммунистической партии Узбекистана. - Ташкент, "Узбекистан", 1974. С. 523 ёки <http://www.booksite.ru/fulltext/1/001/008/113/685.htm>
5. Ш.Эргашев. Эрк истар кўнгил. Т.: "Ўзбекистон", 2017. Б. 66 - 67.
6. Ш.Эргашев. Эрк истар кўнгил. Т.: "Ўзбекистон", 2017. Б. 76 - 77.
7. Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. Ташкент, издательство "Узбекистан", 1974. С. 557.
8. Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. Ташкент, издательство "Узбекистан".

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Шароф Рашидовнинг Ўзбекистонда раҳбарлик қилган йиллари ва у томонидан мамлакат тараққиёти учун сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги амалга оширган ислохотлари ҳамда давлат арбоби, ёзувчи, адиб Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва шарафли хизматларини ёритишдаги ҳаққоний илмий асосланган бой манбалар ҳамда уларда келтирилган маълумотлар баён этилган. Шунингдек ўн йиллик умумий мажбу-рий таълим жорий қилиниши аҳоли турмуш даражасининг кенг миқёсда ошиши ва бошқа йўналишлардаги ижобий фаолияти ҳақида тўхталиб ўтилган.

RESUME

Abstract In this article, the years of leadership of Sharof Rashidov in Uzbekistan and the reforms implemented by him in the political, economic, and social spheres for the development of the country, as well as the life and honorable services of the statesman, writer, and writer Sharof Rashidov, are described. Also, the introduction of ten-year general compulsory education, a large-scale increase in the standard of living of the population, and positive activities in other areas were discussed.